ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЯХШИБОЕВ МАХМАДИЁР УМИРОВИЧ

ЎЗГАРМАС ВА ЎЗГАРУВЧИЛИ КЎРСАТКИЧЛИ ЛЕБЕГ ФАЗОСИДА КЎП ЎЛЧОВЛИ КАСР ТАРТИБЛИ ИНТЕГРАЛ-ДИФФЕРЕНЦИАЛЛАШ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021 йил

УДК: 517.983

Физика-математика фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc) по физико-математическим наукам

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract on physical-mathematical sciences

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЯХШИБОЕВ МАХМАДИЁР УМИРОВИЧ

ЎЗГАРМАС ВА ЎЗГАРУВЧИЛИ КЎРСАТКИЧЛИ ЛЕБЕГ ФАЗОСИДА КЎП ЎЛЧОВЛИ КАСР ТАРТИБЛИ ИНТЕГРАЛ-ДИФФЕРЕНЦИАЛЛАШ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021 йил

Физика-математика фанлари бўйича (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2018.2.DSc/FM152 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://ik-fizmat.nuu.uz/) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (http://www.ziyonet.uz/) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Садуллаев Азимбой**
физика-математика фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар: **Ашуров Равшан Ражабович**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Умарҳаджиев Салаудин Мусаевич
физика-математика фанлари доктори, профессор

Турметов Батырхан Худайбергенович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «07» октябр соат 10^00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998 71) 227 12 24, факс: (+998 71) 246 53 21, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (95 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998 71) 246 02 24).

Диссертация автореферати 2021 йил «25» сентябр куни тарқатилди.
(2021 йил «25» сентябр даги 2 рақамли реестр баённомаси).

Дж. Хаджиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси ўринбосари,
ф.-м.ф.д., академик

Н.К.Мамадалиев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.ф.д. (PhD)

Р.Н.Ганиходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёс олиб борилаётган кўп сонли илмий-амалий тадқиқотлар натижасида юзага келадиган кўплаб амалий ва назарий муаммоларни ҳал қилиш каср тартибли интеграл ва дифференциаллаш физиканинг кўпгина мураккаб амалий масалаларини ечишда, биология, бошқариш назарияси, ночизиқли эластиклик назарияси, суюқлик механикаси, турли физик ҳодисаларни математик моделлаштириш ва ночизиқли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламаларни ечишга оид масалалар ва бошқаларда кенг ҳизмат қилади. Мисол сифатида, кўплаб жараёнларни даражаси p ўзгармас ва ўзгарувчили кўрсаткичли Лебег ва Соболев фазолари ёрдамида самарали моделлаштириш мумкинлигини эслашнинг ўзи кифоя. Шунинг учун каср тартибли интеграл ва дифференциаллаш анъанавий усуллар билан ҳал қилинмайдиган ва кўплаб илмий тадқиқот ишларини ҳал этиш ҳозирги куннинг энг муҳим долзарб муаммолари ҳисобланади.

Ҳозирги кунда математик усуллар ва компьютерли моделлаштириш воситаларидан фойдаланиб, фан, техника, иқтисодиёт ва инсон фаолиятининг бошқа соҳаларида каср тартибли ҳосила ва интеграл турли соҳаларига татбиқлари сони тез ўсиб бормоқда, жумладан, эластиклик назариясида, гидромеханикада дифференциал тенгламалар назарияси, хусусан, вариацион масалалар, электрорелогик ва термореологик суюқликларни моделлаштириш, тасвирни қайта ишлаш ва ностандарт ўсишга эга дифференциал тенгламаларни тадқиқ этишда ўзгармас ва ўзгаручили кўрсаткичли Лебег фазолари ҳамда Соболев фазоси кенг қўлланилмоқда. Бу фазоларни гармоник анализдаги операторларнинг чегараланганлиги ва тескарланувчанлигини кўрсатишга боғлиқ масалаларни ҳал эиттишда учратиш мумкин. Шу боис ўзгармас, ўзгаручили кўрсаткичли ва катта Лебег фазоларини тадқиқ қилиш ва гармоник анализнинг юқоридаги масалаларини ечишнинг оптимал усулларини топиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мустақиллик йилларда мамлакатимизда фундаментал фанларнинг амалий тадбиқига эга бўлган долзарб илмий йўналишларга эътибор кучайтирилди, жумладан, каср тартибли интеграл ва дифференциаллаш долзарб масалалар ҳал қилишда алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур йўналишнинг ривожланиши натижасида математик физика, суюқлик механикаси, турли физик ҳодисаларни математик моделлаштириш ва ночизиқли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламаларни ечишга оид масалаларни ечиш бўйича салмоқли натижаларга эришилди. “Математик анализ ва функционал анализ, гармоник анализ, дифференциал тенгламалар ва математик физика, амалий математика ва математик моделлаштириш, эҳтимоллар назарияси ва динамик системалар назарияси” фанларининг устивор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди. Бу қарор ижросини таъминлаш мақсадида ўзгармас ва ўзгарувчили кўрсаткичли Лебег фазоларида кўп ўлчовли каср тартибли интеграл-дифференциаллашларни ўрганиш ва уларни ривожлантириш, олинган натижаларни фаннинг турдош соҳаларида қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2018 йил 27 апрелдаги "Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойихаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3682-сонли Қарори, 2019 йил 17 июндаги "2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4358-сонли Қарори, 2020 йил 7 майдаги "Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4708-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада ҳизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларни кўриб чиқиш.[1]

Адамар ва Адамар типидаги, Маршо-Адамар, Чжен, Чжен-Адамар касрли тартибли интеграл-диферециаллаш ва бир томонли шар потенциалларини ўрганишга оид илмий тадқиқотлар ва илмий изланишлар етакчи хорижий давлатларнинг илмий марказлари ҳамда олий таълим муассасаларида, жумладан, Жанубий Федерал университет (Ростов, Россия), Беларус давлат университети (Минск, Беларус), В. А. Стеклов номидаги математика институти (Москва, Россия), Жанубий Урал давлат университети (Челябинск, Россия), Математика ва математик моделлаштириш институти (Алмата, Қозоғистон), Аҳмад Яссавий университети (Қозоғистон), А.В. Размадзе (Тбилиси, Грузия), Rheinisch Westfälische Technische Hochschule Aachen (Aachen, Germany), Universidad de La Laguna, (La Laguna-Tenerife, Spain), National University of Sciences and Technology (Islamabad, Pakistan), Çankaya University (Ankara, Turkey), Research Group at King Abdulaziz University (Jeddah, Saudi Arabia), Imecc-Unicamp (Campinas, SP, Brazil),

---

[1] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www. sfedu.ru, www. bsu.by , www.mi-ras.ru, www.susu.ru, www.math.kz, www.ayu.edu.kz, www.rmi.tsu.ge, www.rwth-aachen.de, www.ull.es, www.nust.edu.pk, www.ime.unicmp.br, www.unishivaji.ac.in, www.ualg.pt, www.apply.shu.edu.cn ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Shivaji University (Maharashtra, India), University of Algarve (Faro, Portugal), Shanghai University (China) ларда олиб борилмоқда.

J. Vanterler da C. Sousa (Brazil), Kishor D. Kucche (Maharashtra, India), Fahad H.M. (Pakistan) ишларида умумлашган Риман-Лиувилл ва Капуто касрли ҳосилаларини икки параметрли Хилфер касрли ҳосила шаклида киритган ва умумлашган $L^p_{\psi,c}(a,b)$ фазода умумлашган $\psi-$Адамар операторининг муҳим янги хоссаларини исботлаган.

У. Нери, Т. Курокава ишларида ва И. Стейннинг китобида ўрама ўрталатувчи ва ўрама интеграл операторлари қаралади, уларнинг $L^p(\mathrm{R}^n)$ (ёки $L^p_{loc}(\mathrm{R}^n)$) фазода ҳам норма бўйича ва ҳам деярли ҳамма жойда $\varphi(\mathrm{x})$ га яқинлашувчилиги текширилади.

А.Грюнвалд ва А.В.Летников томонидан ихтиёрий тартибли айирманинг хоссаларини ўрганилиб, ўзининг ҳосиласи таърифи учун уларни қўллади. Маршо бутун сонли чекли айирма ёрдамида узоқлашувчи интегрални регулярлаштиришни таклиф қилди. Бу конструкцияларни қўллаш мумкин бўлган функциялар умуман дифференциалланмайди. Бу каср ҳосиланинг яна бир умумий хусусияти, уларни ҳар иккиси ҳам Риман-Лиувилл касрли ҳосиласи билан бошланади, кенгроқ функциялар синфига тадбиқ этиш учун уларни соддалаштириш керак.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Каср тартибли интеграл ва дифференциаллаш назариясининг асослари XIX аср бошларида Ж. Лиувиллнинг илмий ишларида баён этилган бўлиб ва кейинчалик А. Грюнвальд, А. В. Летников, Б. Риман, Х. Хольмгрен, Ж. Адамар, М. Рисс, Г. Вейль, А. Маршо, А. Эрдейи, Х. Кобер, М. М. Джрбашян, Т. Ослер, М. Капуто, Хильфер ва бошқа кўплаб олимларнинг илмий ишларида янада ривожлантирилган. Жумладан Адамар, Адамар типидаги ва Маршо-Адамар типидаги касрли интеграл ва ҳосилалар қуйидаги А. Е. Бекаев, В. В. Карачик, Б. Х. Турметов, А. С. Бердышев, Б.Ж. Кадиркулов, А.А. Килбас, А.А. Титюр, С.А. Марзан, Р.Г. Мамедов, Г.Н. Оруджев, С.Г. Самко, М.У. Яхшибоев, С.А. Шлапаков, P.L. Butzer, J.J. Trujillo, J. Hadamard, H.M. Srivastava, F. Jarad, L. Ma, C. Li, S. Pooseh, R. Almeida, Y. Wu ва бошқа математик олимларнинг илмий ишларида, Г.Р. Емгушева ва В.А. Ногиннинг ишида эса, кўп ўлчовли ҳолатда Рисс потенциалига ўхшаш адамар варианти қаралган. Адамар, Адамар типидаги ва Маршо-Адамар типидаги касрли интеграл ва ҳосилалар уларнинг ишларида етарлича таҳлил қилинган.

Р.Р.Ашуров, А.Кабад ва Б. Х.Турметовларнинг ишларида ўзгармас коэффициентли Капуто каср ҳосилали чизиқли дифференциал тенгламаларни ечиш ўрганилади. Оператор усулидан фойдаланиб, бундай тенгламаларни тузишнинг самарали йўлини келтирадилар. Ш.А. Алимов, Р.Р. Ашуров ва С.Умаровларнинг бир қатор илмий ишлари кузатув жойида белгиланган вақтда ечимлар бўйича каср тартибли ҳосила тўғри тартибини аниқлашнинг тескари масаласига бағишланган.

И.А.Киприяновнинг илмий ишларида йўналиш бўйича касрли ҳосилаларнинг турли хил хоссалари ўрганилган. М. В. Кукушкиннинг ишида эса Киприянов маъносида касрли дифференциал операторининг асосий хоссалари ўрганилган.

Р.Хилфер ўз ишида Риман-Лиувилл ва Капуто ҳосилаларини икки параметрли касрли ҳосила ${}_aD_x^{\alpha,\beta} f$ кўринишида умумлаштиришни таклиф этди. Sousa J. Vanterler da, Rodrigues Fabio, Oliveira Edmundo ларнинг ишларида ψ-Хилфер касрли ҳосиласи киритилади ва бу касрли операторларнинг катта синфларини бирлаштиришда муҳим рол ўйнайди. ψ-Хилфер операторининг бир қатор хоссалари Abdo Mohammed, Panchal Satish, Kucche Kishor, Kharade Jyoti, Sousa Vanterler da, Liu Kui, Wang JinRong, OˆaˆAegan Donal ишларида топиш мумкин. H.M. Fahad, M. Rehman, M. Siddiqiларнинг ишларида Адамар типидаги каср операторлар учун умумлашган кўринишни тақдим этади ва у ψ-Адамар типидаги каср операторлар деб номланади ҳамда умумлашган янги $L^p_{\psi,c}(a,b)$ фазода умумлашган $\psi-$Адамар операторларининг муҳим хоссалари олинган ва исботланган.

Табиий равишда умумлашган классик $L^p(\mathrm{R}^n)$ Лебег фазосининг p ўзгармас кўрсаткичи $\overline{p}$ векторга алмаштириб, 1961 йилда аралаш Лебег фазоси киритилади. A.Benedek ва R. Panzone томонидан Лебег фазосининг аралаш норма тушинчаси киритди ва илмий ишларида ўрганилди. П. И. Лизоркин, Н. Антонис, И. Ивес, А. Бенедек, А. П. Калдерон, Р. Панзоне, А. Стефанов ва Р. Х.Торрес ларнинг илмий ишлари аралаш Лебег фазосининг нормаси бўйича операторларнинг чегараланганлигини ўрганишга бағишланган. О.В. Бесов, В.П.Ильин, С.М. Никольскийниг китобидан аралаш Лебег фазосининг бир қатор хоссаларини топиш мумкин.

Ўзгарувчили кўрсаткичли Лебег фазоларига $L^{p(\cdot)}(\Omega)$ бағишланган биринчи иш И. И. Шарапудиновнинг (бир ўлчамли ҳолатда) иши бўлиб, кўп ўлчовли ҳолдаги ишлар эса, шу жумладан, С. Г. Самко томонидан келтирилган. Ўзгарувчан кўрсаткичли Лебег фазолари $L^{p(\cdot)}(\Omega)$ ностандарт ўсиш деб аталадиган моделларни ўрганишда қулай восита бўлиб хизмат қилади (масалан, эластиклик назариясида, гидромеханикада дифференциал тенгламалар назарияси, хусусан, $p(x)-$лапласиан тенгламалар, вариацион масалалар), масалан, В. В. Жиков, X. Fan, D. Zhao, M. Ruzicka ишларида. 1995-1999 йилларда Ruzickaнинг бир қатор мақолалари ўзгаручили кўрсаткичга эга бўлган фазоларга бағишланган реологик ва электро-реологик суюқликлар деб номланишдаги масалаларда пайдо бўлди. Ушбу мақолаларда олинган натижалар M. Ruzicka китобида келтирилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ОТ-Ф-4-(37-29) «A-аналитик функцияларнинг функционал хоссалари ва уларнинг тадбиқлари. Матрицавий соҳаларда комплекс анализнинг айрим масалалари» мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Мазкур диссертация ишнинг аосий мақсади ўзгармас ва ўзгарувчили кўрсаткичли Лебег фазоларида ўзгартирилган Адамар типидаги каср интеграл ва ҳосилалар, кесмада ψ-Адамар типидаги каср интеграл ва ҳосилалар, локал типидаги каср интеграллар (Чжен ва Адамар-Чжен конструкцияси), бир томонли шар потенциаллар ва ўрама шаклда бўлмаган интеграл операторларнинг хоссаларини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Адамар типидаги ва Адамар-Чжен типидаги касрли интегралларнинг хоссаларини ўрганиш ва бўлакли-даражали вазнли жамланувчи функциялар фазосида чегараланганлигини исботлаш;

Лебег фазосида ψ-Маршо-Адамар типидаги ва Маршо-Адамар типидаги кесилган аралаш касрли ҳосилаларнинг интеграл ифодаларини қуриш;

Лебег фазосида ψ-Адамар ва ψ-Адамар типидаги касрли интеграл-лар учун эса тескари ва тавсиф теоремаларини исботлаш, ψ-Маршо-Адамарнинг оддий ва кесилган каср ҳосилалари ўртасида боғланишларни ўрнатиш;

вазнли аралаш Лебег фазоларида икки хил шаклларда бўлган Маршо-Адамар ва Грюнвалд-Летников-Адамар типидаги (йўналиш бўйича ва аралаш) касрли дифференциаллаш операторларининг аниқланиш соҳаларида устма-уст тушиши ҳақидаги теоремаларни исботлаш;

шар қатламида бир томонли шар потенциаллари орасида боғланишларни ўрнатиш ва ўзгарувчили кўрсаткичли Лебег фазосида бир томонли шар потенциалларининг чегараланганлиги ҳақидаги теоремаларни исботлаш;

ўрама бўлмаган интеграл операторларни жамланувчи функциялар фазоларида деярли ҳамма жойда ва норма бўйича яқинлашишни исботлаш.

Тадқиқотнинг объекти Адамар типидаги каср интеграллар ва ҳосилалар, кесмада ψ-Адамар типидаги каср интеграллар ва ҳосилалар, локал типидаги каср интеграллар (Чжен-Адамар конструкцияси), бир томонли шар потенциаллари, ўрама шаклда бўлмаган интеграл операторлар тадқиқотнинг объектлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети тадқиқот предмети турли ностандарт функционал фазоларда интеграл операторлар назариясининг ривожланишига ҳисса қўшишда уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва янги тасдиқларни олиш тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда функциялар назариясининг усуллари тадқиқот ишларида қўлланилади: интеграл ифодалар, мультипликаторлар назарияси, ўрама, сингуляр интеграллар воситаларидан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Маршо-Адамар ва Маршо-Адамар типидаги (йўналиш бўйича ва аралаш) кесилган ҳосилаларнинг интеграл ифодалари олинади, вазнли аралаш нормали Лебег фазоларидан олинган функциялардан Адамар ва Адамар типидаги (йўналиш бўйича ва аралаш) интегралларнинг чегараланганлиги ва тескари теоремалар исботланган;

мультипликатив қадамли вектор касрли тартибли аралаш айирма тушунчалари киритилади ҳамда вазнли аралаш нормали Лебег фазоларида икки хил шаклларда бўлган Маршо-Адамар ва Грюнвалд-Летников-Адамар типидаги (йўналиш бўйича ва аралаш) касрли дифференциаллаш операторларининг аниқланиш соҳаларининг устма-уст тушиши ҳақидаги теоремалар исботланган;

Лебег фазосида ψ-Маршо-Адамар ва ψ-Маршо-Адамар типидаги деб аталувчи кесик каср ҳосилалар учун интеграл ифодалари олинади, ψ-Адамар ва ψ-Адамар типидаги касрли интеграллар учун эса тескари ва тавсиф теоремалари исботланади, ψ-Маршо-Адамарнинг оддий ва кесил-ган каср ҳосилалари ўртасида боғланишлар ўрнатилган;

вазнли ўгармас ва ўзгарувчили кўрсаткичли Лебег фазоларида Адамар-Чжен типидаги ва Чжен касрли интегралнинг чегараланганлиги ҳамда ўзгарувчили кўрсаткичли Лебег фазосида Чжен-Маршо касрли ҳосила билан Чжен касрли интеграл тескари эканлиги исботланган;

шар қатламида радиал-сингуляр операторлар орқали бир томонли шар потенциаллари орасида боғланишлар ўрнатилган, ўзгарувчили кўрсаткичли Лебег фазосида бир томонли шар потенциалнинг чегараланганлиги, Чжен-Маршо типидаги бир томонли шар потенциалнинг чегараланганлиги ва тескари теоремалар исботланган;

бир синфда ўрама бўлмаган ўрталатувчи ва ўрама бўлмаган операторлар тушунчаси киритилади ва уларнинг жамланувчи функциялар фазосида ҳам норма бўйича, ҳам деярли ҳамма жойда яқинлашиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари ностандарт функционал фазоларда операторлар назариясининг ривожланишига ёрдам беради. Тадқиқотда олинган натижалар нафақат функционал анализ ва оператор назарияси мутахассислари учун, балки у асосан хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар, вариацион ҳисоб ва амалий математика фанларининг ҳамда бошқа соҳа масалаларини ечиш имконини беришдан иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда олинган тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда математик мулоҳазаларининг қатъийлиги, математик анализ, гармоник анализ, функционал анализ усуллари, комплекс ўзгарувчи функциялар назарияси, математик физика ва дифференциал тенгламаларидан фойдаланиш орқали асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, кесмада $\psi-$Маршо-

Адамар типидаги каср ҳосила, Адамар-Чжен касрли интеграл ва ҳосила, Чжен типидаги бир томонли шар потенциаллари ва ўрама бўлмаган ўрталатувчи ҳамда ўрама бўлмаган интеграл операторларнинг хоссаларини ўрганишда қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишда олинган илмий натижалар каср тартибли чизиқли ва чизиқли бўлмаган дифференциал тенгламалар, хусусий ҳосилали диффереціал ва интеграл тенгламаларини ечишда тадбиқ этишда хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация тадқиқоти жараёнида олинган илмий натижалар қуйидаги йўналишларда амалиётга жорий қилинган:

вазнли аралаш нормали Лебег фазосида Адамар типидаги касрли интегралнинг чегараланганлиги ҳақидаги Соболев типидаги теоремаларидан; модификацияланган каср интегралларнинг композицияси учун формулаларидан; Маршо-Адамар ва Маршо-Адамар типидаги йўналиш бўйича кесилган ҳосилаларнинг интеграл ифодаларидан; вазнли аралаш Лебег фазоларидан олинган функциялардан Адамар ва Адамар типидаги касрли интеграллар учун тескари теоремалардан; оддий ва кесилган касрли ҳосилалар орасидаги боғланишларига оид натижалардан ОТ-Ф4-64 «Биржинслимас ғовак муҳитларда суюқлик сизиши ва моддалар кўчирилиши гидродинамик моделларини тузиш ва сонли тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг “Фрактал тузилишли биржинслимас ғовак муҳитларда модда сизиши ва аномал кўчиши гидродинамик моделларини тузиш ва сонли таҳлил қилиш” деб номланган ғовак муҳитларда модданинг аномал кўчиши жараёнларини математик моделлаштиришда фойдаланилган (Самарқанд давлат университетининг 2021 йил 25 май № 125/130- сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши фрактал тузилишли икки зонали ғовак муҳитларда суспензиялар сизиши ва модданинг аномал кўчиши жараёнларини координата бўйича каср тартибли дифференциал тенгламаларини сонли аппроксимациялаш имконини берган;

шар қатламида радиал-сингуляр операторлар орқали бир томонли шар потенциаллари орасида боғланишларига оид натижалардан Россия Фанлар Академиясининг Х.И. Ибрагимов номидаги илмий тадқиқот институтининг илмий лойиҳаларида фойдаланилган (Россия Фанлар Академиясининг Х.И. Ибрагимов номидаги илмий тадқиқот институтининг 2021 йил 9 июнь № 10221/117- сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши илмий-тадқиқот институти амалий математика лабораторияси тадқиқотчилари вазнли ўгармас ва ўзгарувчили кўрсаткичли Лебег фазоларида кўп ўлчовли интеграл операторларнинг хоссаларини текшириш ва таҳлил қилиш имконини берган.

Лебег фазосида ψ-Маршо-Адамар ва ψ-Маршо-Адамар типидаги деб аталувчи кесик каср ҳосилалар учун интеграл ифодаларидан, ψ-Адамар ва ψ-Адамар типидаги касрли интеграллар учун эса тескари ва тавсиф теоремаларидан, ψ-Маршо-Адамарнинг оддий ва кесилган каср ҳосилалари ўртасида боғланишларига оид натижалардан MRU-OT-9/2017 рақамли «Кўп ўлчовли комплекс анализ» мавзусидаги амалий лойиҳада матрицавий шарларда голоморф функцияларнинг интеграл ифодасини ҳосил қилишда фойдаланилган (М. Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллиий университетининг 2021 йил 23 июнь № 335/352- сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши вазнли Лебег фазоларида ψ -Маршо-Адамарнинг кесилган каср ҳосилалари ёрдамида A(z)-аналитик функцияларнинг функционал хоссаларини исботлаш имконини берган.

Адамар типдаги ва Адамар-Чжен типидаги касрли ҳосилаларнинг турли усулларда кесилишига оид натижалар И.М. Губкин номидаги Россия давлати нефт ва газ университети олий математика кафедрасининг хорижий лойиҳаларида фойдаланилган (И.М. Губкин номидаги Россия давлати нефт ва газ университетининг 2021 йил 17 июнь № 535/5227- сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши вазнли Лебег фазосида Адамар типдаги ва Адамар-Чжен типдаги каср тартибли интеграл-дифференциаллаш усуллари олий математика кафедрасининг амалий ва илмий текшириш ишларини таҳлил қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг аппробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган ва академик А. Садуллаевнинг "Комплекс анализнинг замонавий муаммолари" (ЎзМУ, Тошкент) мавзусидаги семинарида бир неча бор муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 44 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан 10 таси хорижий ва 6 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш қисми, беш боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 216 бетни, шу жумладан 192 бет матнни ташкил этади. Фойдаланилган адабиётлар 129 номда бўлиб, 14 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва ва зарурати асослаб берилади, тадқиқотнинг республика фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларига долзарблигини белгилайди, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларни кўриб чиқади ва муаммонинг ўрганилганлик даражасини кўрсатади, мақсад ва вазифаларни шакллантиради, тадқиқот объекти ва предметини белгилайди, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини баён этади, олинган натижаларни назарий ва амалий натижаларни очиб беради, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида баён қилинади.

Биринчи боб "Вазнли Лебег фазоларида Адамар типидаги касрли интеграл-дифференциаллаш", чекли кесмада ψ-Маршо-Адамар типидаги касрли интеграл ва ҳосилаларни, ярим ҳақиқий сонлар ўқида эса Аадамар ва Маршо-Адамар типидаги касрли ҳосилаларни ўрганишга бағишланган.

Диссертациянинг I бобидаги 1.1- параграф ёрдамчи маълумотлардир. 1.1-§ да ушбу

$$\mathcal{L}^p\left(\mathrm{R}_+,\omega_{\tau,\nu}(x)\frac{dx}{x}\right)=\left\{f:\ \left\|f;\mathcal{L}^p_{\tau,\nu}\right\|=\left(\int_0^1|f(x)|^p x^{-\tau}\frac{dx}{x}+\int_1^\infty|f(x)|^p x^{-\nu}\frac{dx}{x}\right)^{\frac{1}{p}}<\infty\right\},$$

$1\le p<\infty,\ \tau,\nu\in\mathrm{R}$ ва

$$\mathcal{L}^{\overline{p}}_{\overline{\tau}}\left(\mathrm{R}^n_+,\frac{dx}{x}\right)=\left\{f:\left\|f;\ \mathcal{L}^{\overline{p}}_{\overline{\tau}}\right\|=\left\{\int_0^\infty[...(\int_0^\infty|f(x)|^{p_1}x_1^{-\tau_1}\frac{dx_1}{x_1})^{\frac{p_2}{p_1}}...]^{\frac{p_n}{p_{n-1}}}x_n^{-\tau_n}\frac{dx_n}{x_n}\right\}^{\frac{1}{p_n}}<\infty\right\},$$

$1\le p_i<\infty,\tau_i\ge 0,\ i=\overline{1,n}$ фазоларга тегишли бўлган дастлабки маълумотлар ва ёрдамчи леммалар исботланади.

1.2-§ да $\mathcal{L}^p_{\tau,\nu}$ фазода Адамар ва Адамар типидаги касрли интегралларнинг чегараланганлиги ҳақидаги теоремалар исботланади ва Маршо-Адамар типидаги кесилган касрли ҳосилалар учун интеграл ифодалар олинади. Адамар типидаги касрли интеграл қуйидаги

$$(J^\alpha_{+,\mu}\varphi)(x):=\frac{1}{\Gamma(\alpha)}\int_0^x\left(\frac{t}{x}\right)^\mu\left(\ln\frac{x}{t}\right)^{\alpha-1}\varphi(t)\frac{dt}{t},\ x>0,\alpha>0,$$

$$(J^\alpha_{-,\mu}\varphi)(x):=\frac{1}{\Gamma(\alpha)}\int_x^\infty\left(\frac{x}{t}\right)^\mu\left(\ln\frac{t}{x}\right)^{\alpha-1}\varphi(t)\frac{dt}{t},\ x>0,\alpha>0$$

кўринишда киритилади. Адамар типидаги касрли ҳосила қуйидаги

$$\left(\mathcal{D}^\alpha_{0+,\mu}f\right)(x):=x^{-\mu}\delta^n x^\mu(J^{n-\alpha}_{0+,\mu}f)(x),\ \ n=[\alpha]+1,\ \ x>0,\alpha>0,$$

$$\left(\mathcal{D}^\alpha_{-,\mu}f\right)(x):=x^\mu(-\delta)^n x^{-\mu}(J^{n-\alpha}_{-,\mu}f)(x),\ n=[\alpha]+1,\ \ x>0,\alpha>0$$

кўринишда бўлади, бунда $[\alpha]$ – α соннинг бутун қисми, $\delta=x\dfrac{d}{dx}$.

1-теорема. *Фараз қилайлик* $\tau\in\mathrm{R},\alpha>0,$ $\mu\in\mathbf{C}$ *и* $1\le p,r\le q\le\infty$, $\alpha>\dfrac{1}{p}-\dfrac{1}{q},\ \dfrac{1}{r}=\dfrac{1}{q}-\dfrac{1}{p}+1$ *бўлсин.*

i) *Агар* $\mathrm{Re}\,\mu>-\dfrac{\tau}{p},\ \ \tau>0$ *бўлса, у ҳолда* $J^\alpha_{+,\mu}$ *оператор* $\mathcal{L}^p_\tau$ *фазони* $\mathcal{L}^q_{\frac{q\tau}{p}}$ *фазога кўчиради ва*

$$\left\| J^{\alpha}_{+,\mu}\varphi\,;\mathcal{L}^{q}_{\frac{q\tau}{p}} \right\| \le T^{+}_{r}(\mu,\tau)\left\|\varphi\,;\mathcal{L}^{p}_{\tau}\right\|,$$

чегараланган бўлади, бунда $1<p<q,\ r<q$, *ёки* $q=\infty,\ r=p'$ *бўлганда,*
$T^{+}_{r}(\mu,\tau)=\left((\mathrm{Re}\,\mu+\frac{\tau}{p})r\right)^{1-\alpha-\frac{1}{r}}\frac{[\Gamma(1+(\alpha-1)r)]^{\frac{1}{r}}}{\Gamma(\alpha)}$; $1=p<q,\ r=q$ *бўлганда,*

$T^{+}_{r}(\mu,\tau)=((\mathrm{Re}\,\mu+\tau)r)^{1-\alpha-\frac{1}{r}}\frac{[\Gamma(1+(\alpha-1)r)]^{\frac{1}{r}}}{\Gamma(\alpha)}$; $p=q, r=1$ *бўлганда,*

$T^{+}_{1}(\mu,\tau)=\left(\mathrm{Re}\,\mu+\frac{\tau}{p}\right)^{-\alpha}$.

(ii) *Агар* $\mathrm{Re}\,\mu>\frac{\tau}{p},\quad \tau<0$ *бўлса, у ҳолда* $J^{\alpha}_{-,\mu}$ *оператор* $\mathcal{L}^{p}_{\tau}$ *фазони* $\mathcal{L}^{q}_{\frac{q\tau}{p}}$ *фазога кўчиради ва*

$$\left\| J^{\alpha}_{-,\mu}\varphi\,;\mathcal{L}^{q}_{\frac{q\tau}{p}} \right\| \le T^{+}_{r}(\mu,\tau)\left\|\varphi\,;\mathcal{L}^{p}_{\tau}\right\|,$$

чегараланган бўлади, бунда $1<p<q,\ r<q$, *ёки* $q=\infty,\ r=p'$ *бўлганда,*
$T^{+}_{r}(\mu,\tau)=\left((\mathrm{Re}\,\mu-\frac{\tau}{p})r\right)^{1-\alpha-\frac{1}{r}}\frac{[\Gamma(1+(\alpha-1)r)]^{\frac{1}{r}}}{\Gamma(\alpha)}$; $1=p<q,\ r=q$ *бўлганда,*

$T^{+}_{r}(\mu,\gamma)=((\mathrm{Re}\,\mu-\tau)r)^{1-\alpha-\frac{1}{r}}\frac{[\Gamma(1+(\alpha-1)r)]^{\frac{1}{r}}}{\Gamma(\alpha)}$; $p=q,\ r=1$ *бўлганда,*

$T^{+}_{1}(\mu,\tau)=\left(\mathrm{Re}\,\mu-\frac{\tau}{p}\right)^{-\alpha}$.

$\mathcal{L}^{p}_{\gamma,\nu}$ фазодаги функциялардан олинган касрли интеграллар учун тескари теорема исботланади .

2-теорема. *Айтайлик* $f=J^{\alpha}_{+,\mu;}\varphi,\varphi\in\mathcal{L}^{p}_{\tau,\nu}(\mathrm{R}_{+})$ *бўлсин, бунда* $1\le p<\infty, 0<\alpha<1,\ \mu\ge 0,\ \ \mu>-\frac{m}{p}, m=\min(\tau,\nu), \tau>0, \nu>0$. *У ҳолда*

$$\left(D^{\alpha}_{+,\mu}f\right)(x)=\lim_{\substack{\rho\to 1\\ \left(\mathcal{L}^{p}_{\tau,\nu}\right)}}\mathrm{D}^{\alpha}_{+,\mu;1-\rho}\ f=\varphi(x)$$

бўлади.

1.3-§ да кесмада ψ-Маршо-Адамар ҳосиласининг умумлашмаси киритилади. ψ-Маршо-Адамар ва Маршо-Адамар типидаги кесик касрли ҳосилаларнинг интеграл ифодалар олинган. ψ-Адамар ва ψ-Адамар типидаги касрли интегралларнинг тескари ва тавсиф теоремалари исботланади.

1-таъриф. *Айтайлик* $\alpha>0,\ -\infty\le a<b\le\infty,\ \mu\in\mathrm{C},\ \varphi$ *функция* $[a,b]$ *кесмада интегралланувчи ва* $\psi\in C^1([a,b])$ *бўлиб, мусбат ўсувчи функция ҳамда барча* $x\in(a,b)$ *лар учун* $\psi'(x)\ne 0$ *бўлсин. У ҳолда* $[a,b]$ *кесмада бошқа* ψ *функцияга нисбатан* α *тартибли ва* μ *параметрли* ψ *-Адамар типидаги чап ва ўнг томонли касрли интеграллар мос равишда қуйидагича аниқланади:*

$$\left(J_{a+,\mu}^{\alpha,\psi}\varphi\right)(x)=\frac{1}{\Gamma(\alpha)}\int_a^x\left(\frac{\psi(t)}{\psi(x)}\right)^{\mu}\left(\ln\frac{\psi(x)}{\psi(t)}\right)^{\alpha-1}\varphi(t)\frac{\psi'(t)}{\psi(t)}dt,\ x>a,$$

ва

$$\left(J_{b-,\mu}^{\alpha,\psi}\varphi\right)(x)=\frac{1}{\Gamma(\alpha)}\int_x^b\left(\frac{\psi(x)}{\psi(t)}\right)^{\mu}\left(\ln\frac{\psi(t)}{\psi(x)}\right)^{\alpha-1}\varphi(t)\frac{\psi'(t)}{\psi(t)}dt,\ x<b.$$

2-таъриф. *Айтайлик* $\alpha>0,\ n-1<\alpha\le n,\ n\in\mathrm{N},\ -\infty\le a<b\le\infty,\ \mu\in\mathrm{C},\ f$ *функция* $[a,b]$ *кесмада интегралланувчи ва* $\psi\in C^1([a,b])$ *бўлиб, мусбат ўсувчи функция ҳамда барча* $x\in(a,b)$ *лар учун* $\psi'(x)\ne 0$ *бўлсин. У ҳолда* $[a,b]$ *кесмада бошқа* ψ *функцияга нисбатан* α *тартибли ва* μ *параметрли* ψ *-Адамар типидаги чап ва ўнг томонли касрли ҳосилалар мос равишда қуйидагича аниқланади:*

$$\left(D_{a+,\mu}^{\alpha,\psi}f\right)(x)=(\psi(x))^{-\mu}\left(\frac{\psi(x)}{\psi'(x)}\frac{d}{dx}\right)^{n}(\psi(x))^{\mu}J_{a+,\mu}^{n-\alpha,\psi}f(x),n=[\alpha]+1,\ x>a$$

ва

$$\left(D_{b-,\mu}^{\alpha,\psi}f\right)(x)=(\psi(x))^{\mu}\left(-\frac{\psi(x)}{\psi'(x)}\frac{d}{dx}\right)^{n}(\psi(x))^{-\mu}J_{b-,\mu}^{n-\alpha,\psi}f(x),n=[\alpha]+1,x<b.$$

3-теорема. $f(x)=\left(J_{a+,\mu}^{\alpha,\psi}\varphi\right)(x),\ \varphi\in L_{\psi,c}^{p}(a,b),\quad 0<\alpha<1,\quad 1\le p<\infty,$ $\mu\ge 0,\ c\in\mathrm{R},\mu>c,\ 0<\rho<1$ *ва* $\psi\in C^1([a,b])$ *бўлиб, мусбат ўсувчи функция ҳамда барча* $x\in(a,b)$ *лар учун* $\psi'(x)\ne 0$ *бўлсин. У ҳолда*

$$\left(D_{a+,\mu}^{\alpha,\psi}f\right)(x)=\lim_{\rho\to 1-0}\left(D_{a+,\mu;1-\rho}^{\alpha,\psi}f\right)(x)=\varphi(x)$$

бўлади, бунда лимит $L_{\psi,c}^{p}(a,b)$ *фазода тушунилади.*

4-теорема. $f(x)$ *функцияни* $f(x)=\left(J_{a+,\mu}^{\alpha,\psi}\varphi\right)(x)$ *(бу ерда* $\varphi\in L_{\psi,c}^{p}(a,b),$ $0<\alpha<1,\ 1<p<\infty,\ \mu\ge 0,c\in\mathrm{R},\ \mu>c$ *ва* $\psi\in C^1([a,b])$ *бўлиб, мусбат ўсувчи функция ҳамда барча* $x\in(a,b)$ *лар учун* $\psi'(x)\ne 0$*) кўринишда ифодалаш учун* $\left(\frac{\psi(a)}{\psi(x)}\right)^{\mu}\left(\ln\frac{\psi(x)}{\psi(a)}\right)^{-\alpha}f(x)\in L_{\psi,c}^{p}(a,b)$ *бўлиши зарур ва етарли ҳамда* $L_{\psi,c}^{p}(a,b)$ *фазода* $\lim_{\rho\to 1-0}\varphi_\rho(x)$ *мавжуд бўлсин, бунда* $\varphi_\rho(x)=\left(D_{a+,\mu,1-\rho}^{\alpha,\psi}f\right)(x)$.

"**Аралаш норма бўйича вазнли Лебег фазоларида Адамар типидаги касрли интеграл-дифференциллаш**" деб номланувчи иккинчи боб вазнли Лебег фазоларида Адамар типидаги йўналиш ва аралаш каср интеграллар, яна шунингдек Маршо-Адамар ва Грюнвалд-Летников-Адамар типидаги йўналиш бўйича ва аралаш каср дифференциллашларни ўрганишга бағишланган.

2.1-§ да вазнли аралаш Лебег фазоларида Адамар типидаги йўналиш бўйича ва аралаш каср интегралларни чегараланганлиги исботланади.

5-теорема. *Айтайлик* $\tau_i \in \mathrm{R}, 1 \le p_i \le \infty, \alpha_i > 0$ *ва* $\mu_i \in \mathrm{C}, i = \overline{1,n}$ *бўлсин.*

(i) *Агар* $\operatorname{Re}\mu_i > -\tau_i^*$, *бу ерда*

$$\tau_i^* = \begin{cases} \dfrac{\tau_i}{p_i}, & 1 \le p_i < \infty, \\ \tau_i, & p_i = \infty, \; i = \overline{1,n}, \end{cases} \qquad (1)$$

бўлсин, у ҳолда $J^{\alpha}_{+\ldots+,\mu}$ *оператор* $\mathcal{L}^{\overline{p}}_{\overline{\tau}}$ *фазода чегараланган ва*

$$\left\| J^{\alpha}_{+\ldots+,\mu}\varphi \,; \mathcal{L}^{\overline{p}}_{\overline{\tau}} \right\| \le \theta^{+} \left\| \varphi \,; \mathcal{L}^{\overline{p}}_{\overline{\tau}} \right\|, \;\; \theta^{+} = \prod_{i=1}^{n} \left(\operatorname{Re}\mu_i + \tau_i^* \right)^{-\alpha_i} .$$

(ii) *Агар* $\operatorname{Re}\mu_i > \tau_i^*$, *(бу ерда* τ_i^*, $i = \overline{1,n}$ *– (1) даги ўзгармас сон) бўлсин, у ҳолда* $J^{\alpha}_{-\ldots-,\mu}$ *оператор* $\mathcal{L}^{\overline{p}}_{\overline{\tau}}$ *фазода чегараланган ва*

$$\left\| J^{\alpha}_{-\ldots-,\mu}\varphi ; \mathcal{L}^{\overline{p}}_{\overline{\tau}} \right\| \le \theta^{-} \left\| \varphi \,; \mathcal{L}^{\overline{p}}_{\overline{\tau}} \right\|, \;\; \theta^{-} = \prod_{i=1}^{n} \left(\operatorname{Re}\mu_i - \tau_i^* \right)^{-\alpha_i} .$$

(iii) *Агар* $\operatorname{Re}\mu > -\sum_{i=1}^{n} \tau_i^* \ln\omega_i$, *(бу ерда* τ_i^*, $i = \overline{1,n}$ *– (1) даги ўзгармас сон) бўлсин, у ҳолда* $J^{\alpha}_{\omega,\mu}$ *оператор* $\mathcal{L}^{\overline{p}}_{\overline{\tau}}$ *фазода чегараланган ва*

$$\left\| J^{\alpha}_{\omega,\mu}\varphi \,; \mathcal{L}^{\overline{p}}_{\overline{\tau}} \right\| \le \theta(\omega) \left\| \varphi ; \mathcal{L}^{\overline{p}}_{\overline{\tau}} \right\|, \;\; \theta(\omega) = \left(\operatorname{Re}\mu + \sum_{i=1}^{n} \tau_i^* \ln\omega_i \right)^{-\alpha} .$$

Аралаш норма бўйича вазнли Лебег фазоларида Адамар типидаги касрли интегралларнинг чегараланганлиги учун Соболев типидаги теорема исботланган.

6-теорема. *Айтайлик* $\tau_i \in \mathrm{R}$, $\alpha_i > 0$, $\mu_i \in \mathrm{C}, i = \overline{1,n}$ *ва* $1 \le p_i, r_i \le q_i \le \infty$, $\dfrac{1}{r_i} = \dfrac{1}{q_i} - \dfrac{1}{p_i} + 1$, $i = \overline{1,n}$, $\alpha_i > \dfrac{1}{p_i} - \dfrac{1}{q_i}$, $i = \overline{1,n}$ *бўлсин.*

(i) *Агар* $\operatorname{Re}\mu_i > -\tau_i^*$, $i = \overline{1,n}$, *(бу ерда* $\tau_i^*, i = \overline{1,n}$ *– (1) даги ўзгармас сон) бўлсин, у ҳолда* $J^{\alpha}_{+\ldots+,\mu}$ *оператор* $\mathcal{L}^{\overline{p}}_{\overline{\tau}}$ *фазони* $\mathcal{L}^{\overline{q}}_{\overline{\nu}}$ *фазога кўчиради ва*

$$\left\| J^{\alpha}_{+\ldots+,\mu}\varphi \,; \mathcal{L}^{\overline{q}}_{\overline{\nu}} \right\| \le \prod_{i=1}^{n} C^{+}_{r_i}\left(\mu_i, \tau_i^* \right) \left\| \varphi \,; \mathcal{L}^{\overline{p}}_{\overline{\tau}} \right\|,$$

чегараланган бўлади, бунда $\bar{\nu}=\left(\tau_1^* q_1,\ldots,\tau_n^* q_n\right)$, $1<p_i<q_i,\, r_i<q_i$, *ёки* $q_i=\infty,\, r_i=p_i',\, i=\overline{1,n}$, *бўлганда,* $C_{r_i}^{+}\left(\mu_i,\tau_i^*\right)=\left((\operatorname{Re}\mu_i+\tau_i^*)r_i\right)^{1-\alpha_i-\frac{1}{r_i}}\times$
$\times\dfrac{[\Gamma\left(1+\left(\alpha_i-1\right)r_i\right)]^{\frac{1}{r_i}}}{\Gamma\left(\alpha_i\right)}$, $1=p_i<q_i,\, r_i=q_i,\, i=\overline{1,n}$,*бўлганда,*

$C_{r_i}^{+}\left(\mu_i,\tau_i\right)=\left((\operatorname{Re}\mu_i+\tau_i)r_i\right)^{1-\alpha_i-\frac{1}{r_i}}\ \dfrac{[\Gamma\left(1+\left(\alpha_i-1\right)r_i\right)]^{\frac{1}{r_i}}}{\Gamma\left(\alpha_i\right)}$, $p_i=q_i, r_i=1$, $i=\overline{1,n}$ *бўлганда* $C_1^{+}\left(\mu_i,\tau_i^*\right)=\left(\operatorname{Re}\mu_i+\tau_i^*\right)^{-\alpha_i}$,.

(ii) *Агар* $\operatorname{Re}\mu_i>\tau_i^*$, $i=\overline{1,n}$, *(бу ерда* τ_i^*, $i=\overline{1,n}$ *– (1) даги ўзгармас сон) бўлсин, у ҳолда* $J_{-\ldots-,\mu}^{\alpha}$ *оператор* $\mathcal{L}_{\bar{\tau}}^{\bar{p}}$ *фазони* $\mathcal{L}_{\bar{\nu}}^{\bar{q}}$ *фазога кўчиради ва*

$$\left\|J_{-\ldots-,\mu}^{\alpha}\varphi\,;\mathcal{L}_{\bar{\nu}}^{\bar{q}}\right\|\le\prod_{i=1}^{n}C_{r_i}^{-}\left(\mu_i,\tau_i^*\right)\left\|\varphi\,;\mathcal{L}_{\bar{\tau}}^{\bar{p}}\right\|,$$

чегараланган бўлади, бунда $\bar{\nu}:=\left(\tau_1^* q_1,\ldots,\tau_n^* q_n\right)$, $1<p_i<q_i,\, r_i<q_i$, *ёки* $q_i=\infty,\, r_i=p_i'$, $i=\overline{1,n}$, *бўлганда* $C_{r_i}^{-}\left(\mu_i,\tau_i^*\right)=\left((\operatorname{Re}\mu_i-\tau_i^*)r_i\right)^{1-\alpha_i-\frac{1}{r_i}}$
$\dfrac{[\Gamma\left(1+\left(\alpha_i-1\right)r_i\right)]^{\frac{1}{r_i}}}{\Gamma\left(\alpha_i\right)}$, $1=p_i<q_i,\, r_i=q_i$, $i=\overline{1,n}$, *бўлганда,*

$C_{r_i}^{-}\left(\mu_i,\tau_i\right)=\left((\operatorname{Re}\mu_i-\tau_i)r_i\right)^{1-\alpha_i-\frac{1}{r_i}}\ \dfrac{[\Gamma\left(1+\left(\alpha_i-1\right)r_i\right)]^{\frac{1}{r_i}}}{\Gamma\left(\alpha_i\right)}$, $p_i=q_i, r_i=1$, $i=\overline{1,n}$ *бўлганда* $C_1^{+}\left(\mu_i,\tau_i^*\right)=\left(\operatorname{Re}\mu_i-\tau_i^*\right)^{-\alpha_i}$.

2.2-§ да Маршо-Адамар типидаги (йўналиш бўйича, аралаш) кесик касрли ҳосилалари учун интеграл ифодалари олинади.

2.3-§ да $\mathcal{L}_{\bar{\tau}}^{\bar{p}}$ фазодаги функциялардан олинган Адамар типидаги аралаш касрли интеграллар учун тескари теоремалар исботланади.

7-теорема. *Айтайлик* $f=J_{\omega,\mu}^{\alpha}\varphi,\ \varphi\in\mathcal{L}_{\bar{\tau}}^{\bar{p}}$, *бунда* $0<\alpha<1, \mu\ge 0, 1\le p_i<\infty$, $\tau_i,\ \ln\omega_i\in\mathrm{R}$, $i=\overline{1,n},\ \mu+\sum_{i=1}^{n}\dfrac{\tau_i}{p_i}\ln\omega_i>0$ *ва* $0<\rho<1$ *бўлсин. У ҳолда*

$$(D_{\omega,\mu}^{\alpha}f)(x)=\lim_{\rho\to 1}(D_{\omega,\mu;1-\rho}^{\alpha}f)(x)=\varphi(x)$$

бўлади, бу ердаги лимитни $\mathcal{L}_{\bar{\tau}}^{\bar{p}}$ *фазодаги деб тушунилади.*

8-теорема. *Айтайлик* $f=J_{+\cdots+,\mu}^{\alpha}\varphi,\ \varphi\in\mathcal{L}_{\bar{\tau}}^{\bar{p}}$, *бунда* $\tau_i>0,\ 0<\alpha_i<1,\ \mu_i\ge 0$, $1\le p_i<\infty,\ \mu_i>-\tau_i^*$, $i=1,\ldots,n$ *бўлсин. У ҳолда*

$$\left(\mathrm{D}_{+\cdots+,\mu}^{\alpha}f\right)(x)=\lim_{\rho\to 1}\left(\mathrm{D}_{+\cdots+,\mu;1-\rho}^{\alpha}f\right)(x)=\varphi(x)$$

бўлади, бу ердаги лимитни $\mathcal{L}_{\tau}^{\bar{p}}$ *фазодаги деб тушунилади.*

2.4-§ да вазнли аралаш Лебег фазоларида икки хил кўринишда бўлган Маршо-Адамар ва Грюнвалда-Летников-Адамар типидаги (йўналиш бўйича ва аралаш) касрли дифференциаллаш операторларининг аниқланиш соҳаларида мос тушиши ҳақидаги теоремалар исботланади.

9-теорема (йўналиш бўйича касрли ҳосила ҳолати). *Фараз қилайлик* $f(x)\in \mathcal{L}_{-\bar{\lambda}}^{\bar{r}},\ 1\le r_i<\infty,\ \lambda_i\ge 0$ *ва* $\mu_i\ge 0,\ i=\overline{1,n}$ *бўлсин. У ҳолда* ω *йўналиш бўйича Грюнвальд-Летников-Адамар типидаги касрли ҳосила, яъни*

$$\left(D_{\omega,\mu}^{\alpha)} f\right)(x)=\lim_{\substack{\rho\to 1-0\\ \left(\mathcal{L}_{\tau}^{\bar{p}}\right)}}\frac{\left(\tilde{\Delta}_{\rho^{\ln\omega}}^{\alpha,\mu} f\right)(x)}{(1-\rho)^{\alpha}}$$

ва Маршо-Адамара маъносидаги ω *йўналиш бўйича касрли ҳосилалар*

$$\left(D_{\omega,\mu}^{\alpha} f\right)(x)=\frac{\alpha}{\Gamma(1-\alpha)}\lim_{\substack{\rho\to 1-0\\ \left(\mathcal{L}_{\tau}^{\bar{p}}\right)}}\int_0^{\rho} t^{\mu}\left(\ln\frac{1}{t}\right)^{-1-\alpha}\left(\tilde{\Delta}_{t^{\ln\omega}}^{1} f\right)(x)\frac{dt}{t}+\mu^{\alpha} f(x)$$

барча $\alpha,\ 0<\alpha<1$ *учун* $\mu-\bar{\lambda}*\circ\ln\omega\ge 0$ *бўлганда, фазода* $f\in \mathcal{L}_{\tau}^{\bar{p}}$, $1\le p_i<\infty,\ \tau_i\ge 0, i=\overline{1,n}$ *бир вақтда мавжуд ва устма-уст тушади, бу ерда* $\bar{\lambda}*\circ\ln\omega=\lambda_1^{*}\ln\omega_1+\ldots+\lambda_n^{*}\ln\omega_n,\ \lambda_i^{*}$ *–(1) даги ўзгармас сон.*

10-теорема (аралаш касрли ҳосила ҳолати). *Фараз қилайлик* $f(x)\in \mathcal{L}_{-\bar{\lambda}}^{\bar{r}},\ 1\le r_i<\infty,\ \lambda_i\ge 0, \mu_i\ge 0,\ i=\overline{1,n}$ *бўлсин. У ҳолда Грюнвальд-Летников-Адамар типидаги аралаш каср ҳосила*

$$\left(D_{+\ldots+,\mu}^{\alpha)} f\right)(x)=\lim_{\substack{h\to 1-0\\ \left(\mathcal{L}_{\tau}^{\bar{p}}\right)}}\frac{\left(\tilde{\Delta}_{h}^{\alpha,\mu} f\right)(x)}{(1-h)^{\alpha}}$$

(бу ерда $h=(h_1,\ldots,h_n)$*) ва Маршо-Адамара маъносидаги аралаш каср ҳосила*

$$D_{+\ldots+,\mu}^{\alpha} f=\lim_{\substack{\delta\to 0-0\\ \left(\mathcal{L}_{\tau}^{\bar{p}}\right)}} D_{+\ldots+,\mu;\delta}^{\alpha} f=$$

$$=\lim_{\substack{\delta\to 0-0\\ \left(\mathcal{L}_{\tau}^{\bar{p}}\right)}}\left(\tilde{D}_{+,\mu_1;\delta_1}^{\alpha_1}+\mu_1^{\alpha_1}E\right)\otimes\left(\tilde{D}_{+,\mu_2;\delta_2}^{\alpha_2}+\mu_2^{\alpha_2}E\right)\otimes\ldots\otimes\left(\tilde{D}_{+,\mu_n;\delta_n}^{\alpha_n}+\mu_n^{\alpha_n}E\right)f$$

(бу ерда $(\tilde{D}_{+,\mu_i;\delta_i}^{\alpha_i} f)+\mu_i^{\alpha_i} f(x)=\dfrac{\alpha_i}{\Gamma(1-\alpha_i)}\displaystyle\int_0^{1-\delta_i} t^{\mu_i}\left(\ln\frac{1}{t_i}\right)^{-\alpha_i-1}\left(\tilde{\Delta}_{t_i}^{1} f\right)(x)\frac{dt_i}{t_i}+\mu_i^{\alpha_i} f(x)$*)*

барча $0\le\alpha_i<1, i=\overline{1,n}$ *учун* $f(x)\in \mathcal{L}_{\tau}^{\bar{p}},\ 1\le\bar{p}<\infty,\ \bar{\tau}\ge 0$ *фазода бир вақтда мавжуд ва устма-уст тушади.*

"**Вазнли Лебег фазосида Адамар типидаги ва Адамар-Чжен типидаги касрли интеграл-дифференциаллаш**" деб номланувчи учинчи бобда вазнли Лебег фазосида Адамар-Чжен типидаги ва Лиувилл каср интегралларининг Чжен модификацияларини ўрганишга бағишланган.

3.1-§ да айрим қўзғалмас $c \in R_+$ нуқтага "боғланган" (Адамар-Чжен конструкцияси) ярим сон ўқида Адамар касрли интеграл-дифференциаллаш модификациясини қараймиз:

$$(J_c^\alpha \varphi)(x) := \begin{cases} \dfrac{1}{\Gamma(\alpha)} \displaystyle\int_c^x \dfrac{\varphi(t)}{\left(\ln \frac{x}{t}\right)^{1-\alpha}} \dfrac{dt}{t}, x > c, \\ \dfrac{1}{\Gamma(\alpha)} \displaystyle\int_x^c \dfrac{\varphi(t)}{\left(\ln \frac{t}{x}\right)^{1-\alpha}} \dfrac{dt}{t}, x < c \end{cases} \quad (2)$$

ва

$$(\mathcal{D}_c^\alpha f)(x) = \frac{f(x)}{\Gamma(1-\alpha)\left|\ln \frac{x}{c}\right|^\alpha} + \frac{\alpha}{\Gamma(1-\alpha)} \int_{\min(x,c)}^{\max(x,c)} \frac{f(x) - f(t)dt}{\left|\ln \frac{x}{t}\right|^{1+\alpha}} \frac{dt}{t} \quad (3)$$

бу ерда $x \in R_+$, $0 < \alpha < 1.$(3) касрли дифференциал учун Маршо-Чжен-Аадамар конструкцияларини кесилишларнинг турли усуллари қўрилди. Бу кесилиш вариантлар $L_{loc}^p(R_+)$ фазодан олинган функцияларнинг (2) каср интеграллари учун тескариланувчанлигига ишлатилади. Олинган натижалар одатдаги $J_\pm^\alpha = J_\mp^\alpha \infty,\ D_\pm^\alpha = D_\mp^\alpha \infty$ Адамар каср интеграл-дифференциаллаш нисбатан $J_c^\alpha,\ D_c^\alpha$ Чжен-Адамар каср интегро-дифференциаллашнинг афзаллигини мисол сифатида қараш мумкин. Ушбу афзаликларини R_+ ярим сон ўқда $L_{loc}^p(R_+)$ фазодан олинган функцияларни чексиз ва нолда, ҳар қандай ҳолатда кўриб чиқиш имкониятидан иборат. Бўлакли-даражали вазнли жамланувчи функциялар фазосида Адамар-Чжен ва Адамар-Чжен типидаги каср интегралларнинг чегараланганлиги ва ярим группа хоссалари исботланади.

11-теорема. *Фараз қилайлик* $\tau, \nu \in R, 1 \le p \le \infty, \alpha > 0,\ 0 < a < c < b < \infty$ *ва* $\mu \in C$ *бўлсин. Агар* $\operatorname{Re}\mu > \dfrac{\tau}{p},\ \operatorname{Re}\mu > -\dfrac{\nu}{p}$ *бўлса, уҳолда* $J_{c,\mu}^\alpha$ *оператор* $\mathcal{L}_{\omega_{\tau,\nu}^c}^p$ *фазода чеграланган ва*

$$\left\| J_{c,\mu}^\alpha \varphi; \mathcal{L}_{\omega_{\tau,\nu}^c}^p \right\| \le d_{c,\mu}(\tau,\nu) \left\| \varphi; \mathcal{L}_{\omega_{\tau,\nu}^c}^p \right\|,$$

бу ерда

$$d_{c,\mu}(\tau,\nu) = \frac{1}{\Gamma(\alpha)} \begin{cases} \dfrac{\gamma\left(\alpha, (\mu - \frac{\tau}{p})\ln \frac{c}{a}\right)}{\left(\mu - \frac{\tau}{p}\right)^\alpha} + \dfrac{\gamma\left(\alpha, (\mu + \frac{\nu}{p})\ln \frac{b}{c}\right)^\alpha}{\left(\mu + \frac{\nu}{p}\right)^\alpha}, 1 \le p < \infty \\ \dfrac{\gamma\left(\alpha, (\mu - \tau)\ln \frac{c}{a}\right)}{(\mu - \tau)^\alpha} + \dfrac{\gamma\left(\alpha, (\mu + \nu)\ln \frac{b}{c}\right)^\alpha}{(\mu + \nu)^\alpha}, p = \infty \end{cases}$$

12-теорема. *Фараз қилайлик* $f(x)=(J_c^{\alpha})(x),$ *бу ерда* $\varphi\in L^p(\mathrm{R}_+),\ 1\le p<\infty, c>0,\ 0<\alpha<1$ *бўлсин. У ҳолда*

$$\mathrm{D}_c^{\alpha} f=\lim_{\substack{\rho\to 1-0\\ (L^p(\mathrm{R}_+))}}\left(\mathrm{D}_{c,1-\rho}^{\alpha} f\right)(x)=\varphi(x).$$

3.2-§ да ўзгаручили кўрсаткичли Лебег фазосида Чжен-Маршо касрли ҳосиланинг чапдан Чжен касрли интегралга тескари эканлиги исботланади.

Фараз қилайлик $\Omega=[a,b]$ бўлсин, бу ерда $-<\infty<a<c<b<\infty.$ Ушбу

$$\rho_c(x)=\begin{cases}|x-c|^{\mu(x)}\ |b-x|^{\nu(x)}, & x>c,\\ |x-a|^{\mu(x)}\ |c-x|^{\nu(x)}, & x<c,\end{cases}\tag{4}$$

вазнга эга бўлган $L^{p(\cdot)}[(a,b),\rho_c]$ фазони қараймиз, бунда $\mu(x),\nu(x)$кўрсаткичлар чегараланган функциялар бўлиб, улар чекли лемитларга эга

$$\mu(a)=\lim_{x\to a}\mu(x),\ \nu(b)=\lim_{x\to b}\nu(x)\ \mu(c)=\nu(c)=\lim_{x\to c}\mu(x)=\lim_{x\to c}\nu(x).$$

Кўрсаткичли синфлар учун қуйидаги белгилашлар керак бўлади.

3-таъриф. *Фараз қилайлик* $\Omega=(a,b)$, *бу ерда* $-\infty<a<c<b<\infty$ *ва* $x_0\in[a,b]$*бўлсин. Ушбу*$\omega-Lip_{x_0}(\Omega)$ *оқали қуйидаги синфни белгилаймиз:*

$$\omega-Lip_{x_0}(\Omega)=\left\{\mu\in L^{\infty}(\Omega):|\mu(x)-\mu(x_0)|\le\frac{A}{\ln\frac{1}{|x-x_0|}},\ |x-x_0|\le\frac{1}{2}\right\}.$$

$\mu\in\omega-Lip_a(a,b)\cap\omega-Lip_c(a,b)$ ва $\nu\in\omega-Lip_c(c,b)\cap\omega-Lip_b(c,b)$ *лар учун* $-\infty<a<c<b<\infty$ бўлганда, қуйидагиларга эга бўламиз

$$|x-a|^{\mu(x)}|c-x|^{\nu(x)}\approx|x-a|^{\mu(a)}|c-x|^{\nu(c)},\quad a<x<c,$$

$$|x-c|^{\mu(x)}|b-x|^{\nu(x)}\approx|x-c|^{\mu(c)}|b-x|^{\nu(b)},\quad c<x<b.$$

13-теорема. *Айтайлик* $\alpha>0,-\infty<a<c<b<+\infty,$ *(4) кўринишдаги* ρ_c *вазн билан ва* $p\in\mathcal{P}(a,b)\cap\omega-Lip(a,b),$ $x<c$ *бўлганда* $\mu\in\omega-Lip_a(a,b),$ $\nu\in\omega-Lip_c(a,b),$ $x>c$ *бўлганда эса,* $\mu\in\omega-Lip_c(a,b),$ $\nu\in\omega-Lip_b(a,b)$ *бўлса. У ҳолда ушбу*

$$\begin{gathered}-\frac{1}{p(a)}<\mu(a)<\frac{1}{p'(a)},\quad -\frac{1}{p(c)}<\nu(c)<\frac{1}{p'(c)},\ x<c,\\ -\frac{1}{p(c)}<\mu(c)<\frac{1}{p'(c)},\quad -\frac{1}{p(b)}<\nu(b)<\frac{1}{p'(b)},x>c.\end{gathered}\tag{5}$$

шартда $\varphi\in L^{p(\cdot)}((a,b),\rho_c)$ *функция учун қуйидаги*

$$\left|\frac{1}{|x-c|^{\alpha}}\int_{\min(x,c)}^{\max(x,c)}\frac{\varphi(t)}{|x-t|^{1-\alpha}}dt\right|\le C\|\varphi\|_{L^{p(\cdot)}[(a,b),\rho_c]}$$

тенгсизлик ўринли бўлади.

14-теорема. *Фараз қилайлик* $-\infty < a < c < b < +\infty,\ 0 < \alpha < 1$ *ва* $f = I_c^\alpha \varphi$, $\varphi \in L^{p(\cdot)}[(a,b),\rho_c]$, *бу ерда* $p \in \mathcal{P}(a,b) \cap w - Lip(a,b)$ *ҳамда (4) кўринишдаги* $\rho_c(x)-$ *вазн билан,* $x < c$ *бўлганда* $\mu \in w - Lip_a(a,c), \nu \in w - Lip_c(a,c)$, $c < x$ *бўлганда эса,* $\mu \in w - Lip_c(c,b)$, $\nu \in w - Lip_b(c,b)$ *бўлса. У ҳолда*

$$D_c^\alpha f = \varphi,$$

бўлади, бу ерда $D_c^\alpha f = \lim\limits_{\varepsilon \to 0} D_{c,\varepsilon}^\alpha f$ *лимит (5) шартда* $L^{p(\cdot)}[(a,b),\rho_c]$ *фазонинг нормаси бўйича тушунилади.*

"**Лебег фазосида бир томонли шар потенциаллари**" деб аталувчи IV боб R^n даги ўзгармас ва ўзгарувчили кўрсаткичли Лебег фазолари ҳамда гранд Лебег фазоларида Чжен типидаги бир томонли шар потенциаллар ва бир томонли шар потециалларни ўрганиш бағишланган.

Ушбу $U(a,b), 0 \le a \le b \le \infty$ шар қатламида α тартибли бир томонли шар потенциаллари (шар касрли интеграл- ball fractional integrals) қуйидаги

$$\left(B_{a+}^\alpha \varphi\right)(x) = \gamma_{n,\alpha} \int\limits_{a \le |y| < |x|} \frac{\left(|x|^2 - |y|^2\right)^\alpha}{|x-y|^n} \varphi(y)dy,\ |x| > a\text{, } \left(B_{b-}^\alpha \varphi\right)(x) = \gamma_{n,\alpha} \int\limits_{|x| < |y| < b} \frac{\left(|y|^2 - |x|^2\right)^\alpha}{|x-y|^n} \varphi(y)dy,\ |x| < b,$$

кўринишда аниқланади, бу ерда $\gamma_{n,\alpha} = \dfrac{2}{\omega_{n-1}\Gamma(\alpha)} = \dfrac{\Gamma\left(\frac{n}{2}\right)}{\sqrt{\pi^n}\,\Gamma(\alpha)}$. Потенциаллар $B_{a+}^\alpha \varphi$ чап томонли ва $B_{b-}^\alpha \varphi$ эса ўнг томонли деб аталади. $a = 0,\ b = \infty$ бўлганда эса, мос равишда $B_+^\alpha \varphi,\ \ B_-^\alpha \varphi$ кўринишда ёзиш мумкин.

4.1-параграфда шар қатламида радиал-сингуляр операторлар ёрдамида бир томонли шар потенциаллари орасидаги боғланиш ўрнатилади.

1-лемма. *Айтайлик* $0 < \alpha < 1$ *ва* $\varphi(x) \in C_{0,0}^\infty(U(a,b))$ *бўлсин. Ушбу тенгликлар ўринли бўлади:*

$$((B_{a+}^\alpha)^{-1} B_{b-}^\alpha \varphi)(x) = \cos\alpha\pi\, \varphi(x) + \sin\alpha\pi (N_\alpha^a \varphi)(x)\,,$$
$$((B_{b-}^\alpha)^{-1} B_{a+}^\alpha \varphi)(x) = \cos\alpha\pi\varphi(x) - \sin\alpha\pi (N_\alpha^b \varphi)(x)\,,$$

бу ерда

$$(N_a^\alpha \varphi)(x) := \frac{2}{\pi}\left(\frac{a}{|x|}\right)^{n-2} \int\limits_{a<|y|<b} \left(\frac{|y|^2 - a^2}{|x|^2 - a^2}\right)^\alpha \frac{P(x', \frac{a^2}{|x||y|} y')}{|y|^2 - |x|^2} \frac{\varphi(y)}{|y|^{n-2}} dy +$$
$$+ \frac{2}{\pi} \int\limits_{a<|y|<b} \frac{F(|y|,|x|,x'y')}{|y|^2 - |x|^2} \varphi(y)dy\,. \qquad (6)$$

Бунда

$$F_1(\rho,r,w)=\frac{2}{\omega_{n-1}(n-2)}\sum_{k=0}^{\infty}(\frac{n}{2}+k-1)C_k^{\frac{n}{2}-1}(w)R_k(\rho,r)\text{, } R_k(\rho,r)=\begin{cases}Q_k(\rho,r), \ \rho<r \text{ бўлганда,}\\ P_k(\rho,r), \ \rho>r \text{ бўлганда,}\end{cases}$$

$$Q_k(\rho,r)=(\frac{n}{2}+k-1)(\rho r)^{2-k-n}\int_0^{\rho^2-a^2}\left(\frac{t}{r^2-\rho^2+t}\right)^{\alpha}(\rho^2-t)^{\frac{n}{2}+k-2}dt\,,$$

